2009 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (11.547)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2009 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 25 ноябрь*

**Тошкент юридик коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

## КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамойилларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, шунингдек, маънавий қадриятларимиз асосини мустаҳкамлаб берди.

Тадбирда ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, халқимизнинг тафаккури ва маданиятини тарбиялашда муҳим ўрин эгаллаши таъкидланди.

Бундан ташқари, давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида илгари сурилган энг асосий тамойил – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари эканлиги, шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатларига алоқадор бўлган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тўғрисида фикр алмашишди. Республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоқадор бўлган таълим муассасаларининг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда Конституция бўйича ёшларда мустаҳкам билимларни шакллантириш, унинг моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган маърузалар тингланди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАРИЖДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАСИДА БРИФИНГ

**Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасида Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган парламент сайловларига бағишланган брифинг ўтказилди. Унда Франциянинг сиёсий, ишбилармон, эксперт-таҳлилчи доиралари, оммавий ахборот воситалари, хорижий давлатлар дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар, хусусан ЮНЕСКО вакиллари иштирок этдилар.**

Тадбир қатнашчиларига мамлакатда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар, бу ерда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Брифингда **Франциянинг «Les milieux des Empires» электрон нашри бош муҳаррири,** "Сайловлар ва замонавий парламентаризмни ривожлантириш масалалари: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида шу йилнинг июль ойида Тошкентда ўтказилган халқаро анжуман иштирокчиси**, Сильви д'Изарн** хоним сўзга чиқди. С д'Изарн ушбу халқаро анжуман самарасини юқори баҳолаб, Ўзбекистонда яқинда бўлиб ўтадиган парламент сайловларининг аҳамиятига эътибор қаратди.

— Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига катта эътибор берилмоқда, — деди у. — Мазкур йўналишда босқичма-босқич, қадамбақадам муваффақиятга эришилмоқда. Сўнгги пайтларда сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва мавқеи ҳам анча юксалди. Партиялар анча эркинлашиб, жамиятни янгилаш ва демократлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Парламент сайловларида сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига, масалан сайловолди ташвиқотларда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқлар кафолатланган. Ўз навбатида, сайловчилар номзодларнинг сайловолди дастурлари билан батафсил танишишлари ҳамда мавжуд воқеликдан келиб чиққан ҳолда, ўзлари маъқул кўрган у ёки бу номзодга овоз беришлари мумкин.

Сўз эркинлигини таъминлаш адолатли демократик сайловларни ўтказишнинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Мен Тошкентда иштирок этган парламент баҳс-мунозараларидан келиб чиқиб, шунингдек парламент аъзолари ва оддий аҳолининг фаоллигини назарда тутган ҳолда шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистонда бу йўналишда улкан ютуқларга эришилган.

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент 2200 2009



**Қўшма корхоналарда**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР АСОСИДА

**Мамлакатимизда хорижий ҳамкорлар билан шерикликдаги замонавий қўшма корхоналар сафи кенгайиб боришининг асосий боиси яратилган қулай инвестицион муҳит, чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган эътибор ва энг муҳими, иқтисодий барқарорлик, десак асло муболаға бўлмайди.**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тош-Росс-Текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ҳам ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, унинг устав жамғармаси 7 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Хорижий шериклар билан тузилган шартномага кўра корхона цехларига Хитойдан 18,2 миллион АҚШ долларилик янги технологик асбоб-ускуналар, дастгоҳлар келтирилиши кўзда тутилган эди. Мазкур шартномага кўра тайёрлов бўлимига пахтани титиш, тараш, лента ва пиликлаш дастгоҳлари келтириб ўрнатишга муваффақ бўлинди. Шунингдек, ҳавони мўътадиллаштириш ҳамда қулай меҳнат шароитларини яратишни кўзда тутган ҳолда 2 та технологик тозалаш мосламаси ҳам ўрнатилди.

Мазкур Россия — Хитой-Ўзбекистон давлатлари ҳамкорлигидаги қўшма корхонада бугунги кунда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, улар бошқараётган юксак унумли замонавий технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашё — пахта толасини қайта ишлаш асосида сифатли калава ип тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган калава ипларга нафақат мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида талаб катта, балки хориждан ҳам харидор кўп. Шу боис ҳам қўшма корхонада тайёрланган калава ипларнинг 90 фоизини чет давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган.

Ҳамкорлар, яъни хорижий инвесторлар томонидан келгусида режа асосида сармоялар киритиши кўзда тутилган бўлиб, кўпгина цехлар янги дастгоҳлар, яъни йигирув машиналари билан жиҳозланади. Шунингдек, айни пайтда корхонада қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлаганидан сўнг йилига 30.000 тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти яратилади. Шуниси эътиборлики, яна ўнлаб ёшлар иш билан таъминланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин орттириш асосий мақсадлар сирасидандир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларда малакали мутахассислар меҳнат қилишмоқда.**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **РЕСПУБЛИКА** Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Фуқаро муҳофазаси институти ташаббуси билан мутахассислар иштирокида уюштирилган семинарда фавқулодда вазиятларда фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари ҳақида сўз борди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** тадбиркорлар иштирокида ўтказилган семинар тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш масалаларига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатида ўтказиладиган хайрия тадбири туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 241-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёт маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Маънавият кўзгуси илмдир» деб номланди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Муборак Курбон ҳайити муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келмоқда.**
- **24-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Нукусда қишлоқ аҳолиси учун эркин тартибдаги уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси ташкил этилди.**
- **Навоий вилоятида кенг кўламдаги китоб марафони бошланди. Унда республикадаги 9 та нашриётлар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Бир ой давомида минтақанинг умумтаълим мактабларида ярмаркалар ўтказилиб, уларда ўзбек, қозоқ, тожик ва рус тилидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар намойиш қилинади.**
- **Янгиер шаҳридаги Хитой ва Туркия технологиялари билан жиҳозланган «Кармена-Янтекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида кунига 5 минг погон-метр экспортбоп мато тўқиб чиқарилмоқда. Цехлар қуввати оширилиб, бутун куч сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилаётганлиги учун ҳам корхона бугунгача 190 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни Россияга экспорт қилди. 1,96 миллион сўмлик маҳсулот эса ички бозорларимизга чиқарилди.**
- **Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 30 дан ортиқ кўп болали ва кам таъминланган оилаларга беғараз тарзда соғин сигирлар топширилди.**
- **Наманган шаҳридаги 6 та маҳаллада трансформатор кичик станцияларининг янги ва юқори қувватлисига алмаштирилиши натижасида ҳудудда электр таъминотидаги узилишларга чек қўйилди. Шунингдек, шаҳар чеккасидаги Меҳнатобод, Ғунча, Яккасада, Фазлий сингари маҳаллалардаги трансформатор кичик станциялари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 1 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Бугун дунёнинг ҳамма мамлакатларида Бутунжаҳон ахборот куни нишонланди.**
- **МАГАТЭ ташкилоти Қум шаҳридан ташқари Эроннинг бирорта бошқа ҳудудида яширин ядро объектлари мавжудлиги тўғрисидаги далилларга эга эмаслигини билдирди.**
- **Бутунжаҳон банки A/H1N1 гриппига қарши курашиш мақсадида Мексикага 491 миллион долларлик маблағ ажратди.**
- **Исроил Иордан дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган ҳудудларда уй-жой қурилишининг ўн ойга музлатилишини билдирди.**
- **Жанубий Корея темирйўлчилар касаба уюшмаси маошларнинг оширилиши ва иш шароитларининг яхшиланишини талаб қилган ҳолда муддатсиз иш ташлашни эълон қилди.**
- **Аргентинада кучли ёмғир қуйиши натижасида юзага келган сув тошқинлари оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди, 12 минг нафар аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.**
- **Кеча Яман пойтахтида норозилик намойишига чиққан кишилар мамлакат шимолидаги диний оқим вакилларини қўллаб-қувватлагани учун Эрон элчихонасининг ёпилишини талаб қилдилар.**
- **Россиянинг Ульяновск шаҳрида ҳарбий-денгиз кучлари омбори ҳудудидан қурол-яроғларни олиб чиқиб кетиш чоғида портлаш рўй берди. Яъни юк машинасига ташиш учун тахланган снарядлардан бири ҳаракатга келиши натижасида кучли портлаш юз берган. Портлаш оқибатида 8 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, икки нафари яраланди. Ҳозирда ҳодиса жойида Мудофаа вазирлигининг махсус комиссияси ишламоқда.**
- **Хитойнинг Технология миллий университети мамлакатдаги энг биринчи суперкомпьютер яратганини эълон қилди. «Сомон йўли» деб номланган бу тизим халқаро рейтингда 500 та энг кучли суперкомпьютерлар орасида тўртинчи ўринни эгаллаган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу суперкомпьютердан аэрокосмик учувчи қурилмаларни лойиҳалаштириш, сейсмографларнинг маълумотини қайта ишлаш ҳамда биотиббиётда фойдаланилади.**

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган муддатларда тўлаш солиқ тўловчиларнинг конституциявий мажбуриятидир. Солиқ тўловчилар жорий молия йилида амалга оширган молия-хўжалик, тадбиркорлик ва бошқа ҳар қандай фаолият натижасида мазкур вақт даврида амал қилаётган солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик ва жисмоний шахслардир.**

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА МУСТАҲКАМЛАНГАН

Давлатимиз солиқ тўловчилар тўлаган солиқлари ёрдамида мудофаа қобилиятини, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди, иқтисод, таълим фан, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиради, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мақсадга йўналтирилган комплекс ижтимоий дастурларни, бутун жамият манфаатлари йўлидаги бошқа фаолиятларни амалга оширади.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига кўра, «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар». Бундан кўриниб турибдики, жисмоний шахсларни солиққа тортиш уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар амалга оширилади. Солиқ тўловчи бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш ҳам мулкчилик шаклидан қатъи назар қонун олдида тенглик тамойилларига биноан амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдаги қонуни билан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси муҳим ўрин тутади. Мазкур кодекснинг 6-моддасида ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт деб таъкидланган. Яъни, солиқ тўловчиларнинг барча даромадлари, уларнинг олиш манбаларидан қатъи назар албатта солиққа тортилиши керак.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 12-моддасида «Солиқлар деганда ушбу кодексда белгиланган муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтирилган мажбурий пул тўловлари тушунилади» – деб белгилаб қўйилган.

Солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган тартибда таъминланади. Яъни, улар ўзларида пайдо бўлган масалалар (низолар) бўйича юқори солиқ органларига, агарда масала туман инспекциясида ҳал этилмаса – тегишли шаҳар, вилоят бошқармасидан тортиб, то давлат солиқ қўмитасига қадар, шунингдек, назорат ёки суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалар.

Солиқ кодексининг 109-моддасига кўра солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунига қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно ҳисобланади.

Давлатимизда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган барча қонуний асослар етарлича тартибга солинган. Бу борада нафақат солиқ хизмати ходимлари, балки, маҳаллий ҳокимият органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш бўйича кенг қамровли тушунтиришлар амалга оширилмоқда.

Шубҳасизки, бунинг натижасида солиқ субъектлари ўртасидаги англашилмовчиликларнинг олди олинади. Солиқ тўловчилар бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида адо этадилар. Солиқ ундирувчилар томонидан ортиқча текширув ёки назорат ишларини амалга оширишга эҳтиёж қолмайди.

**Гулчеҳра ИСРОИЛОВА,**
**Солиқ академияси юридик фанлари кафедраси ўқитувчиси**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАРИЖДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАСИДА БРИФИНГ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирларни алоҳида қайд этмоқчиман. Бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи кундалик мунозара мавзуига айланиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистон ҳукуматининг Ўзбекистон Экологик ҳаракатига парламентда алоҳида ўрин ажратиш тўғрисидаги қарори жуда тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарордир. Мазкур қарор келгусида мамлакат ва бутун минтақадаги мавжуд экологик муаммоларга мос равишда жавоб қайтаришда, уларнинг салбий оқибатларини олдини олишда қўл келади.

Ўзбекистонда маҳаллий оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш ва аҳолини мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида холис хабардор қилиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Шу ўринда мамлакатда ёш авлоднинг сиёсий саводхонлиги ва ёшларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этишига катта аҳамият берилаётганига эътибор қаратмоқчиман. Мазкур йўналишда Ўзбекистон ҳукумати томонидан аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, интернет саҳифалари ва матбуот нашрларида махсус рукнлар, хусусан, барчани қизиқтирган ва муҳим масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш мақсадида форумлар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга демократия ва унинг асосларини барпо этиш узоқ муддатли ва босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён эканини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Ижобий жиҳати шундаки, Ўзбекистон демократик жамият ва ҳуқуқий давлатни барпо этишда маҳаллий шарт-шароит ҳамда ўз халқининг маданияти, тарихи ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибасини синчиклаб ўрганмоқда.

2009 йил август ойида Бухорода бўлиб ўтган «Сайловларни ўтказиш ва ташкил этишда очиқлик, ошкоралик ва транспарентликнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон тажрибаси, меъёр ва стандартлар» мавзуидаги анжуман иштирокчиси, **«Халқаро муносабатлар асослари» (l'Essentiel des Relations Internationales) журнали директори Эдуард Тайеб** ўша анжуманда қатнашиб ҳамда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилганининг гувоҳи бўлганини қайд этди.

— Мустақилликнинг атиги 18 йилида Ўзбекистон жуда кўплаб, хусусан, жамиятни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатда кўппартиявийликни ривожлантириш ва жамиятда фикрлар плюрализмини таъминлашга йўналтирилган тизимли тадбирларнинг қабул қилиниши олдинда турган парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар мамлакат фуқароларининг ўз конституцион ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча шароитлар яратилган, дейишимизга тўла асос бўла олади, — деди Э.Тайеб.

Француз ношири таъкидладики, «130 дан ортиқ миллий ва этник гуруҳлар вакиллари истиқомат қиладиган Ўзбекистонда барқарорлик таъминлангани ва уларнинг биргаликда тинчтотув яшашлари учун зарур барча шароитлар яратилгани яна бир муҳим омил ҳисобланади. Бу ҳам олдинда турган парламент сайловларини ўтказиш учун дастлабки зарур асос саналади.

Ўзбекистонда шакллантирилган сайлов қонунчилиги базаси сайловларни либераллашган ва демократлашган дейишга тўлиқ асос бўла олади. Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши давлат ҳокимиятининг юқори органлари фаолиятини бугунги шароитларга, демократиянинг умум қабул қилинган меъёрларига мос ҳолда такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди».

**Франция Сенатидаги «Франция – Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле** «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида брифингнинг ташкил этилиши унинг иштирокчиларига мамлакатда юзага келган сайловолди ҳолатнинг аниқ кўриниши ҳақида маълумот берганини таъкидлади. Шубҳасиз, олдинда турган парламент сайловлари Ўзбекистонда демократия жараёнлари ривож топаётганининг далолати бўлади. Сиёсий партияларнинг ўз сайловолди ташвиқотларида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўлақонли фойдаланишлари мумкинлиги ҳам муҳимдир.

— Фурсатдан фойдаланиб — дея ўз фикрини давом эттирди А.Дюле, — Франция Сенати 2010 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистоннинг янгидан сайланган парламент аъзоларидан бир гуруҳини ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашиш мақсадида қабул қилишга тайёр эканини айтиб ўтишни истардим.

**«Жаҳон» АА, Париж**

**Таълим**

# МАКТАБ НУФУЗИ ОРТДИ

**Пойтахтимиздаги 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби орттирган бой педагогик тажриба эндиликда бутун республикамиз бўйлаб оммалаштирилди. Республика кўрик-танловида юқори натижага эришиб, «Йилнинг энг ихтисослаштирилган мактаби» деган фахрли номни қўлга киритган бу таълим даргоҳи синфхоналари давр талаби тарзида жиҳозланган.**

Инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайнутдинова томонидан Орол денгизининг экологик муаммосига бағишлаб тайёрлаган маълумотлар ЮНЕСКОнинг атроф-муҳитни асраш дастурида ғолиб деб топилди. Бундан ташқари мактабнинг инглиз тили синфхоналари Австралия, Канада каби мамлакатлар географиясига доир харита ва фотосуратлар билан безатилди. Инглиз тилида ташкил этилаётган ўқув семинарлари ҳам педагогларда қизиқиш уйғотмоқда.

# ОЧИҚ ДАРС-КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

**Шаҳримиз мактабларида уюштирилаётган очиқ дарс-конференциялар муҳим таълимий аҳамият касб этмоқда.**

Ўзбекистон Амалий санъат музейида ўтказилган бундай тадбир ҳам ўқувчилар билимини бойитишга хизмат қилди.

Музей заллари бўйлаб уюштирилган сайр ёш томоншабинларда халқимизнинг миллий ҳунармандчилигига қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Давлат санъат музейи билан ҳам бундай дарс-конференцияларни ўтказиш режаси тузилди. Бундай очиқ дарсларда «Тасвирий санъат нима?», «Ўзбек рассомларининг янги асарлари», «Мўйқалам санъатига эътибор» деган мавзуларда ҳам суҳбатлар ташкил этилади.

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЭЪТИБОР

**Пойтахтимиздаги 70-мактабда ўзбек, рус, инглиз тилларини чуқур ўрганиш йўлга қўйилган. Эндиликда араб ва урду тилларини ўқитишга ҳам киришилди.**

Шу сабабли билим ўчоғида ташкил этилаётган анжуманлар шу хорижий тилларда олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети олимларининг иштироки катта бўлмоқда. Айни вақтда бундай ҳамкорлик юзсидан Тошкент Шарқшунослик институти билан ҳам келишувга эришилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

**Тошкентда «Мен ва менинг ҳуқуқларим» мавзусида иккинчи республика болалар форуми бўлиб ўтди.**

"Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан пойтахтимизда "Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!" ҳафталиги ўтказилаётир. Ҳафталик доирасида маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғиботчилари, илғор педагоглар иштирокида ўтаётган турли тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, анжуманларда бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилигимизнинг ҳаётда қай тарзда ўз ифодасини топаётгани атрофлича таҳлил қилинмоқда. Бунда ўғил-қизларнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция, болаларнинг таълим олиши, ижтимоий ҳимояланишига доир миллий қонунчилигимизга оид билими янада бойитилмоқда. Мазкур ҳафталик ранг-баранг тадбирлар, ижтимоий-маърифий лойиҳалар, учрашувлар, анжуманларга бой бўлаётир. "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган республика болалар форуми ҳам шулар жумласидандир.

Форум арафасида юртимизнинг барча мактабларида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида нималарни биламан?" мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Уларнинг ғолиблари мазкур форумда қатнашиш имконига эга бўлишди. Иштирокчилар "Бола ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар", "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция", "Ёш авлоднинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасидаги миллий қонунчилигимиз", "Мураккаб вазиятдаги болаларни ҳуқуқий ҳимоялашнинг кафолатлари" каби мавзуларни ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва малакали мутахассислар иштирокида атрофлича ўргандилар.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ёш авлоднинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, салоҳияти ва қизиқишига мос касб эгаллаши йўлида бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ўғил-қизларни менталитетимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади.

Форум иштирокчилари пойтахтимизнинг бир қатор диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс"**

**Анжуманлар**

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси ва ўтган тўққиз ой мобайнида жамғарма томонидан бажарилган ишларга бир назар ташлаш мақсадида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда бажарилган ишлар сарҳисоб этилиб, ютуқ ва камчиликлар, эътибор қаратилиши керак бўлган масалалар муҳокама қилинди.**

Тадбирда «Маҳалла» жамғармасининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишларига зарур шароит яратиш каби вазифаларни самарали амалга ошириб келаётгани таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва ундаги вазифалар ижроси юзасидан шаҳримиздаги 474 та маҳаллаларда жойлардаги «Маҳалла» жамғармалари, маънавият-тарғибот марказлари билан ҳамкорликда жами 1126 та учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 47860 нафар фуқаролар иштирок этишди.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда чақириққача бўлган ёшлар орасида ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг доимийлигини таъминлаш мақсадида барча туман «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари, туман мудофаа бўлимлари, Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилотининг туман бўлимлари ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда 226 та давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Учрашувларда 12400 нафар ёшлар иштирок этди. Баҳорги чақирув бўйича армия сафларига 1230 нафар ёшлар муддатли ҳарбий хизматга юборилди. Кузатиш маросимлари тантанали равишда ташкил этилди. Маҳаллаларда тўй-ҳашамлар, маросимларни тартибли ўтказиш ҳамда дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймасликни таъминлаш ва маҳаллаларда фаолият юритаётган тўй комиссиялари фаолиятини жонлантириш ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан 1640 та тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш арафасида барча маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, 1319 гектар майдон ободонлаштирилди, 1763 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. 210 мингдан ортиқ манзарали, 230 мингдан ортиқ мевали ва 15 миллион 921 мингдан ортиқ гул кўчатлари экилди.

— Бугун ютуқларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя эмас, — деди жумладан тадбирда сўз олган Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Жамолиддин Шоҳакимов. — Боиси, режамизда белгилаб қўйилган, лекин амалга ошмай қолган масалаларни чуқур ўрганишимиз, уларни ижобий ҳал этишга эътиборни қаратишимиз керак. Ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилиб берилган экан ҳар биримиз қалб даъвати билан ишлашимиз керак.

Тадбир давомида «Футболимиз келажаги» мусобақаси ғолиби бўлган Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласи ёш футболчиларига Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**



**Шайхонтоҳур туманидаги 132-мактабда ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат ва муҳаббат руҳида тайёрлашга муҳим эътибор қаратилади.**



# ЁШ ВАТАНПАРВАРЛАР

Шуни қайд этиш лозимки, мактабда Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш учун учта махсус синф ташкил этилган бўлиб, ҳар бир синф ўз формасига эга. Мазкур синфларда тажрибали педагог Любовь Яковлева ўқувчиларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш тўгарагида машғулотлар олиб боради.

**СУРАТЛАРДА: махсус синфларда машғулотлар шундай қизиқарли ўтади.**

**Бурхон Ризоқулов олган суратлар**

# АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Куни кеча пойтахтимизда шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ва «Элнажот» нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тадбиркор аёллар бирлашмаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаол аёллари сўзга чиқдилар.

Анжуманда шаҳримизда фаолият юритаётган тадбиркор аёлларнинг фаолиятини янада кенгайтириш, сиёсий жараёнларда аёлларнинг фаоллигини оширишга эътибор қаратиш, аёллар ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигида барча соҳаларда фаолият олиб бориш, маҳаллаларда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш, маҳалла ободлиги ва тозалигига эътибор қаратиш юзасидан мунозарали, мушоҳадали фикрлар алмашиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**Рухсора КАРИМОВА**

